



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Отабоева Мазмуна Рахимовна

Кўкон Давлат Педагогика Институтини ўқитувчиси Фарғона,
Ўзбекистон

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ҲОЛАТ ФЕЪЛЛАРИ ВА ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ САБАБ ФЕЪЛЛАРИ СЕМАНТИК КАТЕГОРИЯЛАРИДА ДАРАЖАЛАНИШ

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек тилидаги ҳолат феълларига ва инглиз тилидаги сабаб феъллари гуруҳига мансуб айрим лексемалар иштирокида даражаланиш қаторлари ҳосил қилинган. Даражаланиш қаторидаги аъзоларнинг маънолари ўзбек ва инглиз тилларидаги изоҳли луғат ва тезауруслардан келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: ҳолат феъллари сабаб ёки таъсир феъллари, лексема, маъновий гуруҳ, даражаланиш, градуонимик қатор, маънодош сўзлар.

Ўзбек ва инглиз тилларидаги феълнинг семантик гуруҳлари орасида айнан ўхшаш ёки умуман фарқли, бир-бирларини айнан маъновий жиҳатдан тўлдирадиган, баъзилари ўзга тилдаги бир неча гуруҳни ўз ичига қамраб оладиган бўлган гуруҳлар мавжуд. Ўзбек тилида инглиз тилидаги каби сабаб ёки таъсир феъллари, аспект феъллари, содир бўлиш ҳолати феъллари ва мавжудлик ёки алоқадорлик феъллари каби семантик категориялар ажратилмаган, шунинг учун ушбу семантик гуруҳларда даражаланиш ҳодисасини ўрганиб, уларни таҳлил этамиз.

Ўзбек тилида янги ҳолатнинг юзага келишига ёрдам берадиган алоҳида феъллар гуруҳи мавжуд эмас. Инглиз тилидаги causative verbs (сабаб ёки таъсир феъллари) айнан шундай ҳолатларни ифодалайди. Сабаб феъллари гуруҳига кирадиган феълларни кўриб чиқадиган бўлсак, улар – allow (рухсат бермоқ), cause (сабаб бўлмоқ), force (мажбурламоқ) ва help (ёрдам бермоқ), (рухсат бермоқ), require (талаб қилмоқ), persuade (ундамоқ), employ (ёлланмоқ), motivate (ундамоқ), lead (бошчилик қилмоқ; етакламоқ), encourage (руҳлантирмоқ) кабилардир. Уларнинг ўзбек тилида англатган маъноларига кўра феъл семантик гуруҳларига солиштирадиган бўлсак, улар кўпроқ ҳолатни ифодалайди. Сабаб феъллари ўз маънодошлари ва қарама-қарши маънодошларига эга эканлиги учун уларнинг даражаланиш қаторларини тузиш мумкин. Мисол учун, cause феълини оламиз ва синонимлари билан бирга изоҳлаб чиқамиз.

CAUSE – make (smth., especially smth. bad) happen This disease can cause blindness – (нимадир, айниқса ёмон нарса) содир бўлиши: Бу касаллик кўрликка олиб келади.

Synonyms: bring about, give rise to, lead to, result in, create, produce, generate, engender, spawn, bring on, precipitate, prompt, provoke, trigger, make happen, induce, inspire, promote, foster.

bring about – cause something to happen – нимадир содир бўлишига сабаб бўлмоқ;

give rise to – cause to happen – содир бўлишига сабаб бўлмоқ;

lead to – be a route or means of access to a particular place or in a particular direction – аниқ жой ёки йўналишга кириш учун йўл ёки восита бўлиш;

result in – have (a specified outcome) – аниқ натижага эга бўлиш;

create – cause (something) to happen as a result of one’s action – ҳаракатнинг натижаси сифатида (ниманингдир) содир бўлишига сабаб бўлмоқ;

produce – cause (a particular result or situation) – (аниқ натижа ёки ҳолат) содир бўлмоқ;

generate – produce or create – ишлаб чиқариш ёки яратиш;

engender – cause or give rise to (feeling, situation, or condition) – (ҳис-туйғу, вазият ёки ҳолат) содир бўлишига сабаб бўлмоқ;

spawn – produce or generate a large number of – катта миқдорда ишлаб чиқариш ёки яратиш;

bring on – cause something, typically something unpleasant, to occur –одатда, ёқимсиз ниманингдир содир бўлиши;

precipitate – cause (an event or situation, typically one that is undesirable) to happen suddenly, unexpectedly, or prematurely – (одатда ёқимсиз воқеа ёки ҳолат) тўсатдан, кутилмаганда ёки шошилиш содир бўлишига сабаб бўлмоқ;

prompt – (of an event or fact) cause or bring about (an action or feeling) – (воқеа ёки далил тўғрисида) (ҳаракат ёки туйғунинг) содир бўлиши;

provoke – stimulate or give rise to (a reaction or emotion, typically a strong or unwelcome one) in someone – (асосан кучли ёки кўнгилсиз муносабат ёки руҳий кечинмани) кимдир рағбатлантирмоқ ёки содир бўлишига сабаб бўлмоқ;

trigger – cause (an event or situation) to happen or exist – (воқеа ёки вазият) содир бўлиши ёки мавжуд бўлишига сабаб бўлмоқ;

induce – succeed in persuading or leading (someone) to do something – (кимнидир) нимадир қилишга кўндиришда ёки етаклашда муваффақият қозонмоқ;

inspire – fill (someone) with the urge or ability to do or feel something, especially to do something creative – асосан ижодий нимадир қилишда ёки ниманидир хис қилишда (кимнидир) хоҳиш ва қобилият билан тўлдириш;

promote – support or actively encourage (a cause, venture, etc.) further the progress of – (нарса, тадбир ва ҳ.) янада ривожлантиришни кўллаб қувватлаш ва фаол рағбатлантириш;

foster – encourage the development of (something, especially something desirable) – (асосан исталган ниманидир) ривожланишини кўллаб қувватлаш¹.

Келтирилган изоҳларга кўра уларнинг 9 тасида cause феъли бирон бир иш-ҳаракат, воқеа ёки ҳодисанинг содир бўлишига сабаб бўлмоқ маъносида қўлланилмоқда. Cause, bring about, give rise to, trigger, prompt, engender феъллари ифодалаган маъноларда даражаланиш ҳодисаси кузатилмайди, чунки улар фақатгина воқеа-ҳодисанинг содир бўлишини ифодалайди. Cause феълининг изоҳида нимадир, кўнгилсиз нарсанинг содир бўлишига сабаб бўлмоқ маъноси бор. Худди шундай кўнгилсиз воқеа-ҳодисаларнинг содир бўлишига сабаб бўлиш маъносини bring on, precipitate, provoke феъллари ҳам ифодалайди, улар кўнгилсиз ҳолатларга сабаб бўлишнинг кучайиб боришига кўра: cause→bring on→precipitate→provoke тарзида даражаланиш қаторини тузиш мумкин. Create, produce, result феъллари аниқ ҳолат ва натижанинг содир бўлишини билдирганлиги сабабли уларни бирон бир иш, ғоя ёки жараённинг келиб чиқишидан то натижа содир бўлишига кўра даражалаш мумкин, бироқ бу қаторга cause феъли киритилмади. Чунки бу феъл одатда кўнгилсиз ҳодисаларнинг содир бўлишига сабаб бўлишни билдиради ва create →bring about/cause→produce→result in даражаланиш қатори ҳосил қилинади. Ўзбек тилида бирор иш, ғоя ёки жараённинг келиб чиқишидан то натижа содир бўлишига кўра даражаланиш қаторини яратмоқ/ижод қилмоқ→тадбиқ этмоқ→ишлаб чиқармоқ тарзида тақдим этиш мумкин. Ушбу даражаланиш қаторидаги аъзолар семантик жиҳатдан натижали фаолият феъллари гуруҳига мансуб. Кўнгилсиз ҳолатларга сабаб бўлишнинг кучайиб боришига кўра эса қўйидаги даражаланиш қаторини ҳосил қилинади: уйғотмоқ→ҳаракатга келтирмоқ→ғашига тегмоқ/жаҳлини чиқармоқ→қўзғатмоқ→қонини қайнатмоқ. Берилган градуонимик қатордаги лексемалар ўзбек тилидаги ҳолатни акс эттиради.

Сабаб ёки таъсир феълларига яна бир мисолни таҳлил қилиб ўтамиз. Бунда феълнинг синонимлари билан биргаликда изоҳларини луғатдан фойдаланиб таҳлил этамиз.

REQUIRE – need for a particular purpose: Three patients required operations. -муайян мақсад учун муҳтож бўлмоқ: Учта беморга операция керак эди.

Synonyms: need, be in need of; necessitate, demand, call for, involve, entail; insist on, ask for, expect, order, instruct, command, force, want, wish to have, desire.

¹ Oxford Dictionare of English and Concise Thesaurus.

need – require (something) because it is essential or very important rather than just desirable – шунчаки керакли эмас, жуда муҳим бўлган (бирон нарсани) талаб қилмоқ;

be in need of – needing (something) – (нимагадир) эҳтиёж сезиш;

necessitate – make (something) necessary as a result or consequence – (бирон нарсани) натижа ёки оқибат сифатида зарур деб билмоқ;

demand – ask authoritatively or brusquely – ваколат билан ёки қўполлик билан сўраш;

call for – make something necessary; publicly ask for or demand something – нимадир керак бўлиш; оммадан ниманидир сўраш ёки талаб қилмоқ;

involve – have or include (something) as a necessary or integral part or result – зарур ёки ажралмас қисм ёки натижа сифатида (нимагадир) эга бўлиш ёки ўз ичига олиш;

entail – involve (something) as a necessary or inevitable part or consequence – (бирон нарсани) зарур ёки муқаррар қисм ёки натижа сифатида жалб қилиш;

insist on – demand something forcefully, not accepting refusal – рад қилишни қабул қилмасдан, куч билан ниманидир талаб қилиш;

ask for – say to (someone) that one wants them to do or give something –кимдир хоҳлаётган бирон нарсани қилишини ёки беришини (кимгадир) айтмоқ;

expect – regard (something) as likely to happen – (ниманидир) содир бўлиши мумкин деб ҳисобламоқ;

order – request (something) to be made, supplied, or served – (бирон нарса) қилишни, етказиб беришни ёки хизмат кўрсатишни талаб қилмоқ;

instruct – tell or order someone to do something, especially in a formal or official way – кимдандир нимадир қилишни, асосан қонуний ёки расмий усулда айтмоқ ёки сўрамоқ;

command – give an authoritative or peremptory order – ваколатли ёки мажбурий буйруқ бермоқ;

force – make a way through or into by physical strength or against resistance – жисмоний куч билан ёки қаршиликка қарши йўл қилмоқ;

want – have a desire to possess or do (something); wish for – (нимадир) қилишга ёки эғалик қилишни орзу қилиш; ...ни ният қилмоқ;

desire – strongly wish for or want (something)² – (ниманидир) кучли истамоқ ёки шунчаки истамоқ.

Берилган изоҳлардан кўриш мумкинки. уларда зарурият учун талаб қилиш (require, need, necessitate, call for), ваколат билан сўраш (demand, command), нимадир содир бўлишини ёки нимадирга эга бўлишни исташ (desire, want) каби турли хил маъноларнинг мавжуд эканлигини инобатга олган ҳолда, истакнинг кучайиб бориши бўйича: expect → ask for → want → desire → being need of → necessitate → require → need → insist on – order/demand → command даражаланиш қатори ҳосил қилинди.

²Oxford Dictionare of English and Concise Thesaurus.

Инглиз тилидаги require феъли ўзбек тилидаги талаб қилмоқ феълига маъно жиҳатдан мос тушади ва бу феъл иштирокида истакнинг кучайиб бориши бўйича қуйидагича даражаланиш қаторини тузиш мумкин:

умид қилмоқ→кутмоқ→хохламоқ/истамоқ→сўрамоқ→буюрмоқ→талаб қилмоқ.

Ўзбек тилида юқорида таъкидлаганимиздек, содир бўлиш ҳолати феъллари маъновий гуруҳи ажратилмаган ва инглиз тилида ушбу семантик категория ҳолатни ифода этаётганлиги ўз номидан маълум. Содир бўлиш ҳолати феъллари (verb of occurrence) гуруҳидаги феъллар сон жиҳатдан озчиликни ташкил этганлиги ва бу гуруҳ аъзоларида даражаланиш ҳодисасини кузатиш ниҳоятда кам ҳолатларда учраганлиги сабабли биз ушбу гуруҳни ҳолат феъллари билан бирга бермаган эдик. Ушбу гуруҳга кирувчи феъллар: become (бўлмоқ, ўзгармоқ), change (ўзгармоқ), develop (ривожланмоқ), die (ўлмоқ), grow (ўсмоқ), occur (содир бўлмоқ), happen (содир бўлмоқ), маъно жиҳатидан олиб қаралса, ўзбек тилидаги ҳолат феълларига тўғри келади. “Содир бўлиш ҳолати” феълларининг даражаланиш қаторларини ҳосил қилиш бирмунча мураккаб ҳисобланади. Чунки бу гуруҳдаги феълларнинг синонимлари орасида фарқланувчи маънодошлари деярли мавжуд эмас. Verbs of occurrence семантик гуруҳига кирувчи occur феълининг маъноларини луғатдан кўриб чиқамиз.

OCCUR– happen , take place

Synonyms:

1. the accident occurred at about 3.30: happen, take place, come about, transpire, materialize, arise, crop up go down, come to pass, befall, betide, hap, eventuate
2. the disease occurs chiefly in tropical climates: be, found, exist, appear, prevail, present itself, manifest itself, turn up
3. an idea occurred to her: enter one’s head/mind, cross one’s mind, come to mind, spring to mind, strike one, hit one, dawn on one suggest itself³.

Изоҳлардан кўриш мумкинки, occur феъли маъноларининг барчаси содир бўлиш, пайдо бўлиш каби семаларни ифодалаб келяпти, улар орасида бир-биридан фарқли даражаланиш сезилмайди. Шундай бўлса-да шу гуруҳга кирувчи баъзи феъллар иштирокида бирор ғоянинг пайдо бўлиб, ривожланиб рўёбга чиқишига кўра: come to mind→ grow/develop→happen/occur даражаланиш қаторини тузишни таклиф қиламиз. Бошқа феълларнинг маънодошлари орасида даражаланиш мавжудлиги кузатилмайди. Ўзбек тилида ушбу даражаланиш қаторига тасаввур қилмоқ→гавдалантирмоқ→акс эттирмоқ; ҳаёлига келтирмоқ→ ўйламоқ→ амалга оширмоқ сингари даражаланиш қаторларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Джумабаева Ж. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик градуонимия. Монография. – Тошкент: Мумтоз сўз.
2. Раҳмонов Ғ. Ўзбек тилида луғавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабати: Филол. фан. б.ф. д-ри ... дисс. – Фарғона, 2019. – Б.8.

³ Oxford Dictionare of English and Concise Thesaurus.

3. Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – Б. 7-10.
4. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филол.фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1997. – Б.152.
5. Oxford Dictionare of English and Concise Thesaurus.